ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ

Жўрабоев Н.Ю.
ТДТрУ доценти
E-mail: juraboyevnosir4@gmail.com
Юнусова Н.Ш.
ТДТрУ доценти

Аннотация: Мақолада ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналиши эканлиги, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидорини жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўкис рўёбга чиқиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборат эканлиги, ёшларга оид давлат сиёсати билан боғлиқ қонунлар, уларнинг мазмун-моҳияти, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати доирасида амалга оширилган тадбирлар ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: ёшлар, ёшларга оид давлат сиёсати, Ёшлар агентлиги, Ёшлар Форуми, Ёшлар дафтари, Ёшлар куни, Қонун, Фармон, иқтисод, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат.

Аннотация: В статье освещается, что политика в отношении молодежи является приоритетным направлением государственной деятельности Республики Узбекистан, ее цель – создание и гарантия социально-экономических, правовых и организационных условий для формирования и развития молодежи, полного раскрытия ее творческого потенциала в интересах общества. Также раскрываются законы, связанные с государственной политикой в отношении молодежи, их суть и содержание, а также мероприятия, реализованные в рамках этой политики в стране.

Ключевые слова: молодежь, государственная молодежная политика, Агентство по делам молодежи, Молодежный форум, Молодежная тетрадь, День молодежи, Закон, Указ, экономика, нормативно-правовой акт.

Abstract: The article highlights that youth policy is a priority area of government activity in the Republic of Uzbekistan, its goal is to create and guarantee socio–economic, legal and organizational conditions for the formation and development of youth, the full disclosure of their creative potential in the interests of society. It also reveals the laws related to the state policy on youth, their essence and content, as well as the measures implemented within the framework of this policy in the country.

Keywords: youth, state youth policy, Agency for Youth Affairs, Youth Forum, Youth Notebook, Youth Day, Law, Decree, economy, regulatory legal act.

ISSN 3030-3907

Кириш

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ давлат ва халқ манфаатларини кўзлаб, “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги қонунга асосланиб, республика ёшларининг ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун шарт-шароит яратиб беришга қаратилган ёшларга оид сиёсатни ишлаб чиқди ва уни амалга ошира бошлади. Бинобарин, жамиятимизни демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини қарор топтириш мақсадлари заминида инсон манфаатлари, юртимизнинг, тараққиётимизнинг таянчи ва суянчи бўлган ёшлар турар эди.

Ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидорини жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўкис рўёбга чиқиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборатдир. Шу муносабат билан, 1991 йилнинг 20-ноябрида «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги (429-сон-XII) Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди (Кучга кириш санаси 01.01.1992 й.).

Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати миллати, ирқи, тили, дини, ижтимоий мавқеи, жинси, маълумоти ва сиёсий эътиқодидан қатъи назар ёшлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш; ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш; миллий, маданий анъаналарнинг авлоддан-авлодга ўтиши, авлодларнинг маънавий алоқаси; ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ёшлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари доирасида ўз манфаатларини амалга ошириш йўлларини эркин танлаб олишларига кафолат бериш; жамиятни ривожлантиришга, айниқса, республика ёшлари ҳаётига оид сиёсат ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда ёшларнинг бевосита иштирок этиши; ҳуқуқ ва бурчларнинг эркинлик ва фуқаролик масъулиятининг бирлиги каби қоидаларга асосланди. Албатта, мазкур қонун доирасида ўз ечимини кутаётган бир қатор энг долзарб вазифалар ўз вақтида самарали амалга оширилди.

2016 йил 24-августда эса ўтган йилларда тўпланган тажрибаларга ва замон талабларига мувофиқ “Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги (ЎРҚ-406-сонли) қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонуннинг асосий мақсади, аввало, ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир. Ўтган йиллар

ISSN 3030-3907

мобайнида ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилган “Оила кодекси”, “Таълим тўғрисида”ги қонун, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, “Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури”, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонун “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонун, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонун, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида” ги қонунлар ва бошқа шу кабилар ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонуннинг янги таҳририни тайёрлаш учун ҳуқуқий-меъёрий манба бўлиб хизмат қилди.

Мазкур қонунга мувофиқ ёшларнинг ижтимоий шакллантириш ва камол топтириш, ижодий иқтидорини жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўкис рўёбга чиқариш ва бунинг учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборат вазифалар белгилаб берилди ва натижада ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Шу жумладан, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш борасида алоҳида тизим яратилди. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги, Олий Мажлис палаталари ҳузурида Ёшлар парламентлари, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги қошида Ёшлар академияси ташкил қилинди. Ҳудудларда «Лойиҳалар фабрикаси» иш бошлади.

Республикамизда ёшларга оид соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш ва янги юксак сифат босқичига кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Фармонга мувофиқ, ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислоҳ этиш ҳамда бу борада кенг жамоатчилик, аввало, ёшлар вакилларининг таклиф ва мулоҳазаларини эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати негизида Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи ташкил этилди ҳамда ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш, ёшлар соҳасидаги муаммоларга самарали ечимлар излаб топиш, ваколатли органлар фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси

ISSN 3030-3907

Президентининг 2019 йил 27 декабрдаги мамлакат ёшлари билан учрашувида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони (30.06.2020 й., ПФ-6017-сон) эълон қилинди. Шу муносабат билан Ўзбекистонда 30 июнь — «Ёшлар куни» деб белгиланди. Турли соҳаларда юксак натижа ва ютуқларга эришаётган фидойи ёшларимизни рағбатлантириб бориш мақсадини кўзлаб, «Мард ўғлон» давлат мукофоти ва «Келажак бунёдкори» медали таъсис этилди. Ёшларга оид давлат сиёсатини ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи, ёшларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширувчи давлат бошқарув органи сифатида Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этилди.

Юртимизда ташкил этилаётган янги давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари, умумтаълим мактаблари, олий ўқув юртлари, нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари, замонавий IT-парклар, маданият муассасалари ва спорт иншоотлари, мутлақо янги намунадаги таълим масканлари — «Президент мактаблари», «Темурбеклар мактаби», «Ижод мактаблари» Ихтисослашган мактаблар бугунги глобаллашув шароитида рақобатга қодир бўлган етук кадрларнинг янги авлодини тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш мақсадида 2021 йил мамлакатимизда «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» деб эълон қилинди. Ёшлар соҳасидаги муаммоларга самарали ечимлар ишлаб чиқиш, шунингдек, мамлакатимизда 2020 йил декабрь ойида ташкил этилган Ўзбекистон ёшлари форумида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29-декабрдаги Олий Мажлисга ва халқимизга Мурожаатномасида қайд этилган ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш билан боғлиқ вазифалар белгилаб берилди.

Инсон қадрини улуғлаш, аҳолимиз манфаатларини таъминлаш, бунинг учун кучли иқтисодиёт барпо этиш бизнинг асосий вазифамиздир. Шу мақсадда 2024 йилни мамлакатимизда “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилинди. “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш” деган иборанинг тагида қандай маъно мужассам? Бунинг маъноси шуки, аввало, мамлакатимиз ёшлар мамлакати. Аҳолимизнинг 60 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этади. Бу дегани мактабгача таълим қамровини ошириш, бу - халқ

ISSN 3030-3907

таълими тизимидаги муаммоларни ечиш ва таълим сифатини ошириш чораларини кўриш, бу - олий таълим тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва таълимни сифат жиҳатдан юқори босқичга олиб чиқиш, бу - олий таълимдан кейинги таълим тизимидаги муаммоларни бартараф этиш, бу - ёшларга касб-ҳунар ўргатиш тизимини мукаммаллаштириш, бу - ёшлар учун янги иш ўринларини яратиш демакдир.

Сўнгги йиллар ичида ёшлар сиёсатига доир ҳуқуқий асослар ҳам такомиллаштирилди, бир қанча ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, масалан, 4 та Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, 8 та Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, 12 та Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорлари, 20 та Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди. 2024 йил июнь ойи Ўзбекистонда Ёшлар ойлиги деб эълон қилинди. Ойлик доирасида 26-30 июнь кунлари мамлакатимизда илк бор Бутунжаҳон ёшлар фестивали ўтказилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган фестивалда сайёрамизнинг 92 давлатидан 700 нафардан зиёд ёшлар иштирок этди. Улар Тошкент шаҳри, Самарқанд, Бухоро, Жиззах ва Хоразм вилоятларида тадбир доирасидаги 15 та лойиҳада ўз ғоя ва ташаббуслари билан қатнашиб, тажриба алмашдилар. Самарқанддаги халқаро туризм маркази “Боқий шаҳар” мажмуасида 26 июнь куни фестивалнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. «Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик» шиори остида бир қатор вилоят ва туманлар миқёсида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 30 июнь - Ёшлар куни муносабати билан Ўзбекистон ёшларига йўллаган байрам табригида таъкидланганидек:”Юртимиз ёшлари яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, турли соҳаларда дастлабки умидбахш натижаларни қўлга киритаётгани албатта барчамизни хурсанд қилади. Ўзбекистонлик ўқувчилари ўтган йили халқаро фан олимпиадаларида 7 та олтин, 36 та кумуш ва 38 та бронза медалини қўлга киритдилар. Ёш спортчиларимиз эса халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, бу йил 247 та олтин, 119 та кумуш, 110 та бронза медал соҳибига айландилар. Кейинги йилларда Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ана шундай ёшларнинг 758 нафари давлат мукофотларига сазовор бўлдилар”.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимизда ёшларни бирлаштириш, уларнинг иқтидорини юзага чиқаришга хизмат қиладиган икки ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Булар Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи ҳамда Ёшлар ишлари агентлигидир. Бу ташкилотлар ташаббуси билан кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Биргина “Ёш китобхон” танловига шу

ISSN 3030-3907

пайтгача 4 миллион 700 минг нафардан зиёд йигит-қиз қамраб олинди ва уларнинг 20 нафарига Президент совғаси сифатида автомобиллар берилди. Маҳаллаларнинг ҳар бирида “Ёшлар дафтари” юритилади ва унда турли ижтимоий муаммолари бўлган ёшлар қайд этилиб, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши учун давлат томонидан зарур ёрдам кўрсатиб борилмоқда. Шу билан бир қаторда, мамлакат истиқболини белгиловчи ёшлар масаласи узвийлик, мунтазамлик, давомийлик, изчилликни талаб этадиган сиёсий категория сифатида давлат сиёсатида марказий ўринлардан бирини эгаллаб туради ва ҳеч шубҳасиз, давлатчилик ривожидаги ҳар бир босқичда мазкур масала устувор аҳамиятга молик вазифалардан бири бўлиб қолаверади. Зеро, ёшлар давлат ва халқ истиқболининг асосий куч ва қуввати, унинг тамал тошидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни (ЎРҚ-429-сон-XII. 1991 й., 20-ноябрь).
2. “Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни (ЎРҚ-406-сон. 2016 й., 24-август).
3. “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони (05.07.2017 й., ПФ-5106-сон).
4. “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони (30.06.2020 й., ПФ-6017-сон).
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон ёшларига байрам табриги. 30.06.2024 й.
6. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати: назария ва амалиёт. – https://buxoro-yoshlari.uz/?p=874

ISSN 3030-3907